



БУЮРТМАЧИ: Фарғона вилояти Халқ таълими Бoshқармаси

**Махаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Ўртак
кўрсатган ўқитувчи ва мураббийларларни байрам
тадбирида тақдирлаш учун совғалар (мультиварка) сотиб
олиш.**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу ЙЎРИҚНОМА 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Фарғона вилояти ХТБга мултиварка сотиб олиш.

1.2. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш махсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фарғона вилояти ХТБ, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, К.Бехзод, 2 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Фарғона вилояти ХТБ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан Қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда махсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха

хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши хақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура ўзбек тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тулиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Талабда кўрсатилган хужжатлар, Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган ҳолда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча

аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар руйхати

1. Коррупция кўринишларга йул қуймаслик бўйича ариза
2. Давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари.
3. Махсулот омборда мавжудлиги тўғрисида маълумот.
4. Ушбу танлов хизматлар қисқа муддатда бажариш ҳамда кафолат бўйича муддати
5. Танлов иштирокчисини молиявий ахволи солиқдан қарзи йуклиги маълумотномаси

Илова №2 Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электрон шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жihatдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг куйидаги критерийларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

№	Критерийларноми, мазмуни	Энг юқори балл	% хисобида
1.	Коррупция кўринишларга йул қўймаслик бўйича ариза	20	80%
2.	Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат кўрсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари	10	
3.	Махсулот омборда мавжудлиги тўғрисида маълумот. Расмлар тақдим этилсин.	20	
4.	Ушбу танлов хизматлар киска муддатда бажариш хамда кафолат бўйича муддати.	20	
5.	Танлов иштирокчисини молиявий ахволи солиқдан карзи йуклиги маълумотномаси	10	
6.	Ишларни бажариш бўйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)	20	20%